

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентриқ таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКОЯЛАРИДА ШАРҚОНА МОТИВЛАР

Д.Хусенова

Аннотация

Мақолада улуғ рус ёзувчиси Л.Н. Толстой ижодига, хусусан болалар адабиётига мансуб ҳикоялари яратилишига таъсир кўрсатган шарқона мотивлар, сюжет ва ғоялар ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье говорится о влиянии восточных мотивов, сюжетов и идей, повлиявших на творчество великого русского писателя Л.Н.Толстого, в частности, на создание рассказов для детей.

Annotation

The article is about the literary works by L.N.Tolstoy, basically, about the impact of Eastern motives, subjects and ideas on literary works written for children.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий воқелик, реалистик манзара, ҳаёт муаммолари, ахлоқий фалсафа, Шарқ адабиёти, маърифатпарварлик ғоялари, дидактизм, форс-тожик адабиёти.

Ключевые слова и выражения: социальная реальность, реальная картина, жизненные проблемы, этическая философия, Восточная литература, просветительские идеи, дидактизм, персидско-таджикская литература.

Keywords and expressions: social reality, realistic view, life problems, ethics philosophy, oriental literature, moral ideas, didacticism, Persian and Tajik literature.

Улуғ рус адиби Лев Толстой ижтимоий воқеликдаги реалистик манзараларни кўз олдимизда гавдалантириш билан бир қаторда ҳаётдаги долзарб муаммоларни, муайян образ характеридаги индивидуал жиҳатларни ҳам қаламга олади. Шахс руҳиятига, маънавий оламига таъсир кўрсатувчи замон ва макон, муҳит масалалари образли, кўпинча мажозий-аллегорик планда тасвирланади.

Муаллиф инсон ҳаёти муаммоларини бадиий талқин этишда яхши самара берадиган йўлдан, яъни воқеа-ҳодисаларни мажозий-аллегорик усулда тасвирлаш, ҳикоячилик унсурларига кенгроқ эрк бериш тамойилидан боради. Юқоридаги тасвир унсурлари қаторига рамзлардан кенг фойдаланиш ва улар зиммасига теран маъно юклаш, кутилмаган воқеа-ҳодисаларга алоҳида эътибор қаратиш каби усуллар ҳам киради. Чунки муаллиф эътиборни ана шундай мажозий-аллегорик образлар орқали кундалик ҳаёт муаммоларидан тортиб инсон феъл-атворида хос нуқсон ва фазилатларни ҳам кенг ёритишга қаратади.

Адибнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ундаги айрим ахлоқий-фалсафий ғоялар Шарқ адабиёти намуналаридаги илғор ғояларга ҳамоҳангдир. Бу эса ҳикоячи-шахснинг қарашлари, фикр ва кечинмалари маълум маънода умумбашарийликка дахлдорлигини ҳам кўрсатади.

Лев Толстой болаларга мўлжалланган ижод намуналарида

ҳам инсоннинг қадр-қимматини кўтаришга чақирувчи, маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган жиддий фалсафий асарлар яратишга муваффақ бўлди. Бундай асарлар бадиий адабиётда маърифатпарварлик ғоялари ўлмаслигини ва улар янгидан-янги талқинлар туфайли турли замонларга хос долзарблик, оҳангдорлик, таъсирчанлик ҳамда ҳаққонийлик қудратини касб этишини тасдиқлайди.

Толстойнинг болалар учун мўлжалланган ҳикоялари сюжетларининг манбалари бўлиб ёзувчининг ўз оригинал сюжетларидан ташқари, Эзопнинг масаллари, француз, араб, ҳинд, турк адабиёти мотивлари, жаҳон тарихининг фактлари хизмат қилган. Мисол учун, “Ёлғончи” ҳикоясининг сюжети Эзопнинг масаллари асосида юзага келган бўлса, “Қарға ва тулки” ҳикояси француз ёзувчиси Жан де Лафонтен қаламига мансуб ҳикоялар таъсирида яратилган. “Архиерей ва қароқчи” ҳикояси эса Виктор Гюгонинг шу мазмундаги асари билан ҳамоҳангдир.

Толстойнинг болаларга мўлжалланган китоблари орасида бевосита Шарқ, хусусан, форс-тожик адабиётидан фойдаланилган асарлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар қаторида Мавлоно Жалолиддин Румий ижодидан таъсирланиб яратилган “Шер, эшак ва тулки” ҳикояси ўз мазмун-моҳияти билан

Д.Хусенова – ФарДУ рус тили кафедраси ўқитувчиси

ахлоқий-маънавий тарбияга эга, Саъдий ижодидан илҳомланиб қоғозга туширилган “Авлиёнинг шаҳардан келаётгани” ҳикояси эса европалик китобхоннинг миллий табиати ва маҳаллий колоритга мослаб бадиий талқин этилган.

Л.Н. Толстой ўз қайдларида ижодига форс-тожик адабиётининг кучли таъсирини эътироф этади. Бу эътирофнинг ҳаққоний эканлигига “Янги азбука”дан ўрин олган адибнинг “Вазир Абдулла” эртаги мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ушбу эртақда Лев Толстой одамларга ёрдам берадиган доно, раҳмдил ва сахий вазир ҳақида ҳикоя қилади. Толстой ушбу асари орқали ҳукмрон доиралар ва мансабдор кишиларнинг қандай фазилатларга эга бўлишлари лозимлигини кўрсатади. Дастлаб ҳикоянинг номи “Вазир Моле” бўлган эди. Бу ҳақда ёзувчининг юбилей тўпلامларидаги эслатмасида кўрсатиб ўтилган. [1.631] Лев Толстой бош вазир Молени ҳақиқатгуй вазир Абдулла билан алмаштирди. Ушбу янги қаҳрамон билан ҳикояни охирига етказди, кейин эса биринчи ярмини ўзгартириб, вазир Молени вазир Абдуллага ва француз қиролини Эрон подшоҳига ўзгартирди.

Толстойнинг болалар учун мўлжалланган ҳикоялари орасида Шарқ адабиёти таъсирида яратилган бундай мисоллар кўплаб учрайди. Мисол учун, Эрон тарихига оид иккинчи китобнинг “Камбиз ва Псамени” ҳикоясида Камбизнинг қандай қилиб Мисрни қўлга киритгани ҳақида сўз боради. У, тарихий маълумотларга кўра, Ахмонийлар сулоларига мансуб ҳукмдор Кирнинг ўғли эди. У эронликлар томонидан Мисрни истило этиш пайтида ҳукмдор бўлган.

Толстой ёш рус китобхонига қайта ҳикоя қилиш учун кўпинча Шарқ адабиёти тарихидан намуналар танлайди. Бошланғич ўқиш учун мўлжалланган Рус китобидаги “Қарға ва кабутарлар” масали сюжети форс-тожик адабиёти тарихига мансуб ҳикоят-масал жанрига бориб тақалади. Ушбу асарда ёзувчининг барча ҳикояларида устувор бўлган оддийлик, равшан ифода, аниқ тил ва баённинг лўндалиги сингари болаларга мос ижодий тамойилларга амал қилинган: Л.Н. Толстойнинг ўзи ҳам китобининг қадр-қимматини унинг соддалиги ва тилининг равшанлигида, деб ҳисоблаган. Бу ҳақда у Н.Н.Страховга ёзган мактубида шундай дейди: “Агар азбука мақолаларида қандайдир қадр-қиммат бўлса, у тилнинг соддалиги ва равшанлиги билан боғлиқ бўлади” [1.274]

Болалар учун ҳикоя ёзишда муваффақият қозонишнинг яна бир муҳим шarti танланган сюжетнинг қизиқарлигидан ташқари, таълимий мақсадлар учун зарур бўлган дидактизмни ўз ичига олишидир. “Қарға ва кабутарлар” масалида гап кабутарларнинг донларига шерик бўлиш ниятида, улардан бири бўлишни истаган қарға ҳақида боради. У оқ ранга бўялиб олади, кабутарлар уни ўзлариники деб қабул қилишади, лекин қарға кабутар қиёфасида эканини унутиб, кутилмаганда қичқириб юборади. Натижада кабутарлар уни ҳайдаб юборишади. Қарға ўз жинсдошлари олдига қайтади, лекин улар оппоқ ранга бўялган қаргани танимай, қўрқиб кетишади ва уни қувиб юборишади. Шундай қилиб, нафс илинжи ва ҳасад туфайли қарға ўз қиёфаси, насли ва асл илдиэларини йўқотади. Бу ҳикояда муаллиф қарганинг бемаъни хатти-ҳаракати тасвири орқали моддий манфаат учун турли қиёфага киришга тайёр бўлган кимсаларнинг қилмиш-қидирмишларини очиб беради. Гап шундаки, Шарқда бундай мунофиқ зотларнинг бир қатор мажозий-аллегорик образлари яратилган. Парвозга ундашганида “туяман” дейдиган, юк ортмоқчи бўлишса қуш эканини иддао қиладиган туяқуш ҳақидаги ривоят, қушлар ва ҳайвонлар ўртасидаги жангда қайси томоннинг қўли баланд келса, ўша томонга ўтиб оладиган, охир оқибатда мунофиқлиги фош бўлиб, тунда ҳаёт кечиришга мажбур бўлиб қолган кўршапалак ҳақидаги масал шулар жумласидандир.

Л.Н. Толстой ҳикояларининг аксарият қаҳрамонларини ҳайвонлар ташкил этади, лекин бу билан ҳикоялар таълимий мазмунини йўқотмайди, аксинча Шарқ масаллари каби бадиий-эстетик таъсирчанлиги ортади, кичик ёшдаги китобхонга ҳикоялардан зарур хулоса чиқаришга имкон беради.

Улуғ рус адиби ижодига самарали таъсир кўрсатган яна бир сиймо форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаси Абдурахмон Жомийдир. Айниқса, камтар турмуш тарзига интилиш борасида ҳам Жомий ва Толстой ўхшаш эдилар. Жомийнинг “Қандай қилиб зағча какликка таклид қилгани” номли масалида гап ўзи яшаётган боғни тарк этиб, ўзга ўтлоққа учиб кетган зағча ҳақида кетади. Ўтлоқда у какликни кўриб қолади, бу қуш унга жуда ғаройиб бўлиб кўринади, унинг хатти-ҳаракати ва қилиқлари зағчанинг эътиборини тортади. Зағча узоқ вақт давомида

уни кузатади ва какликка тақлид қила бошлайди. Бу ҳол узоқ давом этади, лекин охир-оқибат зағча какликнинг ҳаракати ва хулқ-атворини ўзлаштира олмаслигини тушуниб этади ва тақлиддан воз кечади. Муаммо шундаки, зағча бу давр ичида ўз хатти-ҳаракатларини, яшаш тарзини ҳам унутади. Масалдан келиб чиқадиган хулоса шуки, Толстойнинг ҳикоясида ва Эзопнинг масалида бўлгани каби, бошқаларга кўр-кўрона тақлид қилиш, зағча кабиларнинг ўзлигини йўқотишига олиб келади. Зағча ҳаттоки ўзида какликдан кўра муҳимроқ хислат - парвоз қилиш қобилияти борлигига эътибор бермайди. Ўзига хос бўлмаган сифатларни эгаллаш ва ўзгага айланиш мақсадида зағча қадрдон боғни ҳам тарк этади. Жомий бундай оқибатни ўйламай иш қилишни қоралайди. Ушбу масалдан келиб чиқадиган хулосани Жомий ҳикматли ибора

даражасига кўтаради: “Какликка тақлид қиламан деб, зағча ўз юришини ҳам унутди”.

Лев Николаевич ижодида форс-тожик адабиётидан олинган ёки улар таъсирида яратилган ҳикматли сўз ва ибораларни кўплаб келтириш мумкин. Абдурахмон Жомийдан ташқари Саъдий, Румий ижодига мансуб бир талай сюжетлар ҳам улуғ рус адибига илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Толстой жаҳон, хусусан, Шарқ адабиётининг хазинасига мансуб шундай асар ва сюжетларни танлайдики, улар мумтоз мазмунга эгаллиги, таълимий-тарбиявий жиҳатдан ғоят муҳимлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Лев Толстой ижодий таъсир ва адабий алоқалар доирасида инсоннинг қадр-қимматини кўтаришга чақирувчи, маърифатпарварлик билан суғорилган жиддий фалсафий асарлар яратишга муваффақ бўлди.

Адабиётлар:

1. Толстой Л. Н. Полное собрание сочинений в 90 томах (Юбилейное издание). -1928-1958 гг.
2. Бертельс Е. Э. Джами. Эпоха. Жизнь, творчество. -1949 .
3. Ломунов К.Н. Толстой о Толстом // «Духовные искания Л.Н. Толстого»; материалы и исследования, выпуск 1. -М., 1998.
4. Куприянова Е.Н. Эстетика Л.Н. Толстого. -М., 1966 .

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)